

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

**703 Ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-
ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминоти
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида» 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон Фармонига мувофиқ ички ишлар органларида тиббий-санитария, санаторий-курорт таъминоти ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор** қиласди:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

703-модда

— 94 —

29 (789)-сон

1. Ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминоти тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А. А. Азизов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 июль,
522-сон

Вазирлар Махкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 522-сон қарорига
ИЛОВА

**Ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминоти тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ички ишлар органларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг норматив-хукуқий хужжатлари, шунингдек мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг ходимларига, ҳарбий хизматчиларига, пенсионерларига, ишчи ва хизматчиларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларига ички ишлар органларининг тибиёт муассасалари, шунингдек фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширувчи бошқа даволаш-профилактика муассасалари томонидан бепул тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий таъминот берилади ҳамда тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

3. Прокуратура органлари, адлия органлари, давлат божхона хизмати органлари, давлат фельдъегерлик хизмати ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда санаторий-курорт таъминоти тартиби тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

2-боб. Тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминоти кўрсатишни ташкил этиш

4. Тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тиббиёт бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг тиббиёт бўлимлари томонидан амалга оширилади.

5. Ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларига биринчирилган таркиб мазкур муассасаларда амбулатория, стационар шароитларда бепул тиббий текширувлардан ўтказилади, даволанади ва соғломлаштирилади, шунингдек уларга тиббий кўрсатмалар бўйича турар жойларига бориб белгиланган тартибда тиббий ёрдам кўрсатилади.

Ички ишлар органлари тизимидағи ходимларни даволаш-профилактика муассасаларига биринчириш таркиби Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасалари хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга, тиббий хизмат кўрсатиш учун биринчирилган таркиб манфаатларига зарар келтирилмайдиган шартларда пулли тиббий хизматлар кўрсатилиши мумкин. Пулли тиббий хизматлар кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

6. Ички ишлар органлари ходимларига яшаш худудидаги ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи даволаш-профилактика муассасалари томонидан белгиланган тартибда тиббий ёрдам кўрсатилади.

Ички ишлар органлари ходимлари, ҳарбий хизматчиларига бепул ортопедик стоматология ва ортодонтия ёрдами (қимматбаҳо металлар, керамик массалар ва маҳсус платмассалар қўллаб тайёрланган протезлар бундан мустасно) ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасалари томонидан кўрсатилади.

7. Ички ишлар органлари тиббий хизмат кўрсатиш масалалари комиссияси томонидан Ички ишлар органлари ходимлари, ҳарбий хизматчиларига ихтинослаштирилган тиббий ёрдамни ташкил этиш мақсадида Ўзбекис-

тон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларига юборилади.

8. Алоҳида ҳолларда, биринчи таркибининг тиббий кўрсатмалар бўйича тиббий ёрдам олиши учун уни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юбориш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маҳсус комиссияси холосаси асосида амалга оширилади. Бундай ҳолларда, биринчи таркибининг тиббий ёрдам олиши учун харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг руҳсати билан амалга оширилади.

9. Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг қасаллиги, шикастланганлиги, ҳомиладорлиги, туққанлиги, оиланинг бетоб аъзосини парваришлаганлиги, протез қўйдирганлиги, санаторий-курортда даволангандиги, шунингдек соғлифи ҳолатига кўра бошқа ишга ўтказиш учун ва карантин туфайли хизматга вақтинча яроқсиз деб топилганида, уларга вақтингчалик хизматдан озод қилиш варакаси ёки маълумотномаси берилади. Вақтингчалик хизматдан озод қилиш варакаси ёки маълумотномасини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда белгиланади.

Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари ҳамда ишли ва хизматчиларининг меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик ҳолатида меҳнатга лаёқатсизлик варакасини бериш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-боб. Тиббий-санитария, тиббий-ижтимоий ёрдам ва санаторий-курорт таъминотини амалга ошириш тартиби

10. Ички ишлар органлари ходимлари ва шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётганлар ҳар йили бир маротаба мажбурий диспансеризациядан ўтказилади.

Бир йилда икки маротаба ва чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўрикдан ўтказиладиган хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳарбий таълим муассасаларининг курсант ва тингловчилари белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтадилар.

12. Ички ишлар органлари ишли ва хизматчилари тиббий кўрикдан турар жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи ҳудудий тиббиёт муассасаларида белгиланган тартибда ўтадилар.

13. Профилактик тиббий кўрик натижасида хизматни давом эттиришга тўскинлик қилувчи касалликлари аниқланган ходимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоят-

лар ички ишлар бошқармалари тиббиёт бошқарма ва бўлимлари томонидан тегишли кадрлар бўлимларига юборилади.

14. Ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар билан касалланган бириттирилган таркиб ички ишлар органлари тиббиёт бошқарма ва бўлимлари мутахассислари назоратига олиниб, уларни даволаш ва соғломлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи тиббиёт муассасаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Диспансер назоратига олинган ички ишлар органлари ходимлари кузатувини олиб бориш, тиббий текширувлар ва қўриклар кўлами ҳамда даврийлиги, шунингдек даволаш ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

16. Ички ишлар органларининг ходимлари, ҳарбий хизматчилари, пенсионерлари санаторий-курорт шароитида даволаниш учун ўилига бир марта имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади.

17. Ички ишлар органлари тизимидағи ва бошқа санаторий-курорт муассасаларига, шунингдек хорижий давлатлардаги санаторий-курорт муассасаларига йўлланмалар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда белгиланади.

18. Бюджетдан ташкари маблағлар ҳисобидан фаолият юритувчи ички ишлар органлари тизимидағи муассасаларда хизмат қилаётган ходимларга санаторий-курорт муассасаларига йўлланмалар бериш ушбу муассасаларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

19. Санаторий-курорт муассасаларига бериладиган йўлланмалар тақсими тиббиёт муассасалари талабномаларига мувофиқ, ўиллик режа асосида Ички ишлар вазирлигининг тиббиёт бошқармаси томонидан амалга оширилади.

20. Ички ишлар органлари тизимидағи санаторий-курорт муассасаларига бериладиган йўлланмалар қўймати белгиланган тартибда белгиланади.

21. Ички ишлар органларининг санаторий-курорт муассасаларига бериладиган йўлланмалар реализациясидан тушган маблағлар ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини ва таъминотини мустаҳкамлашга ҳамда бошқа санаторий-курорт муассасаларига йўлланмаларини харид қилишга сарфланади.

22. Санаторий-курорт муассасаларига йўлланмалар қўйидаги тартибда берилади:

а) бепул:

харбий-тиббий комиссияларнинг асослантирилган хulosасига кўра, мазкур Низомнинг 27-банди «а», «б», «в», «д» кичик бандларида назарда тутилган шахслар учун;

мазкур Низомнинг 27-банди «г» ва «з» кичик бандларида назарда тутилган шахслар, шу жумладан кўзи ожиз 1-гурух ногиронини кузатиб борувчи шахс, ёлғиз кексалар учун;

б) санаторий-курорт муассасаларига бериладиган йўлланма қўйматининг

25 фоизини тўлаш шарти билан мазкур Низом 27-бандининг «а», «б» ва «ж» кичик бандларида назарда тутилган шахслар учун;

в) санаторий-курорт муассасаларига бериладиган йўлланманинг қийматини тўлиқ тўлаш шарти билан мазкур Низомнинг 27-бандининг «а», «б», «г», «ж», «з» кичик бандларида назарда тутилган шахсларнинг оила аъзолари учун.

23. Ихтисослаштирилган санаторий муассасаларида даволаниш учун йўлланмалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи ҳудудий тиббиёт муассасалари томонидан берилади.

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият юритадиган ишли ва хизматчиларни санаторий-курорт муассасаларида даволаш учун йўлланмалар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга оширилади.

25. Санаторий-курорт муассасаларида даволанишга мухтоҷ шахсларни танлаш, санаторий-курорт муассасаларига бериладиган йўлланмаларни тақсимлаш, тизимдаги санаторий-курорт муассасалари фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

26. Тиббий-ижтимоий ёрдам қўрсатиш мақсадида, ушбу ёрдамни олиш хуқуқига эга бўлган шахслар ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларига тиббий хизмат олиш учун бириктирилади.

27. Қўйидаги шахслар бириктириш рўйхатлари асосида ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларига тиббий хизмат олиш учун бириктирилади ва уларнинг алоҳида хисоби юритилади:

а) ички ишлар органлари ходимлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳаракатдаги кадрлар захирасида колдирилиб, бошқа ташкилотларга юборилган ходимлар;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмалирида ҳарбий хизматни шартнома асосида ўтаётган ҳарбий хизматчилар;

в) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмалири муддатли ҳарбий хизматчилари;

г) хизмат муддатидан қатъи назар, хизмат (ҳарбий хизмат) вазифасини бажаришда жароҳат олиш, контузия, ярадор бўлиш, касалланиш оқибатида I ва II гурух ногирони бўлган шахслар;

д) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсант ва тингловчилари;

е) ишли ва хизматчилар (бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига таъминланадиган ишли ва хизматчилардан ташқари);

ж) ички ишлар органларида 20 йил ва ундан ортиқ хизмат қилган ёки 25 йил меҳнат стажига эга бўлиб, шундан 12,5 йил Ички ишлар вазирлиги тизимида хизмат (ҳарбий хизмат) қилган катта ва олий офицерлар таркибидан хизматдан бўшатилган пенсионерлар;

з) қонун хужжатларига мувофиқ ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизматидан фойдаланиш хуқуқи сақланиб қоладиган 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фах-

рийлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобиль АЭС фалокати оқибатларини тугатиш бўйича заарланган зонада хизмат вазифасини ўтаган шахслар ва ядро полигонларида ҳамда бошқа радиация-ядро обьектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

28. Мазкур Низом 27-бандининг «а», «б», «г», «ж» ва «з» кичик бандларида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари, тегишли даволаш-профилактика муассасалари томонидан бериладиган гувоҳномалар асосида ички ишлар органлари тизимида даволаш-профилактика муассасаларига тиббий хизмат кўрсатиш учун бириктирилади ва уларнинг алоҳида ҳисоби юритилади.

29. Шахснинг ички ишлар органлари тизимида даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари деганда, унинг ички ишлар органлари тизимида хизматда бўлган даврида никоҳда бўлган хотини (эри), никоҳ бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно, 18 ёшгача бўлган болалари, ёшидан қаъти назар, болаликдан ногирон бўлган болалари тушунилади.

Ички ишлар органлари тизимида даволаш-профилактика муассасаларида стационар тиббий ёрдам 18 ёшдан бошлаб кўрсатилади.

30. Ички ишлар органларида хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, вафот этган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмалари муддатли ҳарбий хизматчиларининг оила аъзоларидан ташқари) ички ишлар органлари тизимида даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар, шунингдек уларнинг пенсия ёшидаги ёки ногирон ота-онаси тиббий хизмат кўрсатиш учун бириктирилади.

31. Мазкур Низом 27-бандининг «а», «б», «г», «ж» ва «з» кичик бандларида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия расмийлаштирган оила аъзолари ички ишлар органлари тизимида даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

32. Ички ишлар органлари тизимида даволаш-профилактика муассасалари хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган шахсларнинг яшаш жойи ўзгарганда, улар шу худуддаги тегишли ички ишлар органининг тиббиёт бошқарма ва бўлимларидағи маҳсус тиббий комиссиялар қарорлари асосида мазкур даволаш-профилактика муассасаларига тиббий хизматга бириктирилади.

33. Бириктириш рўйхатлари ва ички ишлар органларининг тегишли пенсия таъминоти бўлимлари йўлланмалари ҳамда пенсионерлик гувоҳномалари асосида тегишли ички ишлар органининг тиббиёт бошқарма ва бўлимлари томонидан тиббий хизмат кўрсатиш учун бириктирилган шахсларга ички ишлар органлари тизимида даволаш-профилактика муассасалари томонидан тиббий хизматдан фойдаланиш учун рухсатномалар берилади.

34. Ички ишлар органлари тизимидағи тезкор таъминот бошқарма ва бўлимларнинг ноошкора мақомга эга алоҳида тоифадаги ходимларига тиб-

бий хизматлар белгиланган тартибда фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан амалга оширилади.

35. Ички ишлар органларида чакирав бўйича муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳамда Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсант ва тингловчилари тиббий ёрдам кўрсатиш, ички ишлар органларининг мазкур ҳарбий тузилмалари ва таълим муассасаларининг тиббиёт қисмлари, лазаретлари ва тиббий пунктларида амалга оширилади.

Ички ишлар органлари ҳарбий тузилмалари ва Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг тиббиёт қисмлари, лазаретлари ва тиббий пунктларида тегишли мутахассислар ва тиббий текширувлар ўtkазиш учун тиббий асбобускуналар бўлмаган ҳолларда, ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасалари томонидан тиббий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

36. Ички ишлар органлари ҳарбий тузилмалари ҳарбий хизматчилари ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳарбий таълим муассасасининг курсант ва тингловчилари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларида стационар шароитда белгиланган тартибда даволанади.

37. Фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширувчи даволаш-профилактика муассасаларида зарур тиббий хизмат турлари мавжуд бўлмаган ҳолларда, пулли даволаш-профилактика муассасалари хизматидан фойдаланганлик харажатлари Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари хисобидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг руҳсати билан амалга оширилиши мумкин.

38. Пулли даволаш-профилактика муассасалари хизматидан фойдаланганлик харажатларини қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

4-боб. Ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тартиби

39. Ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларини зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тасдиқланган меъёrlарга мувоғиқ амалга оширилади.

40. Ички ишлар органлари тизимидағи даволаш-профилактика муассасаларида тиббий текширувлар ўтказиш, касалликларни даволаш ва олдини олиш учун сарфланадиган дори воситалари, тиббий буюмлар, вакциналар, тиббий материаллар билан бепул таъминлаш ушбу мақсадлар учун назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида амалга оширилади.

Ушбу мақсадлар учун харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам қопланиши мумкин.

29 (789)-сон

— 101 —

703-704-моддалар

41. Бириктирилган таркиб амбулатория ва стационарда даволанишда дори воситалари ва тибий буюмлар билан ўзлари даволанаётган даволаш-профилактика муассасалари орқали ёки рецепт асосида дорихоналар орқали белгиланган тартибда таъминланади.

42. Бириктирилган таркибга дори воситаларини тайинлаш, қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш, шунингдек дори воситаларини рецепт асосида бериш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

43. Бириктирилган таркиб айрим юқумли касалликларга қарши режали ва эпидемиологик кўрсатмалар бўйича бепул эмланади. Режали ва эпидемиологик кўрсатмалар бўйича эмланиши лозим бўлган шахслар тоифалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

5-боб. Якунловчи қоида

44. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.